



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ДАРОМАД КЕЛТИРАДИГАН ФАОЛИЯТДАН ТОПГАН МАБЛАҒЛАРИ ВА МОЛ-МУЛКИ БИЛАН ФУҚАРОВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

Атаджанов Дилмурат Таджимуратович
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
мустақил изланувчиси.


<https://doi.org/10.5281/zenodo.19368550>

Аннотация: Мақолада фуқаролик муомаласида ички ишлар органларининг (ИИО) ўз мажбуриятлари бўйича даромад келтирадиган фаолиятдан топган мол-мулки ва пул маблағлари билан фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлиги масалалари илмий таҳлил қилиниб, миллий қонунчилигимизда фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлари бўйича мазкур турдаги мол-мулк ва пул маблағларига ундурув қаратилишини таъқиқловчи нормалар мавжуд эмаслиги асослантирилган.

Таянч сўзлар: ИИОнинг ўз мажбуриятлари бўйича фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлиги, даромад келтирадиган фаолиятдан топган мол-мулк ва пул маблағлари, ИИОнинг даромад келтирадиган фаолияти, мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи, оператив бошқариш ҳуқуқи.

Ҳуқуқий майдонда жавобгарликларнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, улар мазмун ва моҳиятига ҳамда уларни қўллаш асослари ва шартларига кўра бошқасидан фарқ қилади. Юридик адабиётларда фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг бошқа юридик жавобгарликлардан асосий фарқли жиҳатлари сифатида ушбу жавобгарликнинг мулкый хусусият касб этиши, чоралар ҳуқуқбузарнинг шахсига эмас, балки унинг мол-мулкига нисбатан таъсир кўрсатиши, мазкур чоралар юридик шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкинлиги кабилар келтирилади.¹ Профессор Н.Кулдашев эса “Юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарликларнинг тавсифи ва ҳуқуқ тармоғига кўра жисмоний шахсга, юридик шахсга, ҳатто давлатга нисбатан ҳам татбиқ этилади”², деб таъкидлайди. Шундай экан мустақил мол-мулкка эга бўлиш ва шу мол-мулк билан мустақил жавобгар бўлиш фуқаролик ҳуқуқининг тўлақонли субъекти бўлишининг зарурий шартидир.

¹ Оқюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари // Қонун ҳимоясида. – 1999. № 9. – Б.16; Тархов В.А. Ответственность по советскому гражданскому праву. – Саратов: Саратовского ун-та. – 1973. – С. 30; Зокиров И. Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм. Дарслик. – Т.: ТДЮИ., 2009. – Б. 528; Ступницкая Ю. А. Имущественная ответственность органов внутренних дел. Автореф. Дисс. канд. юрид. наук. – М. 2006. – С. 7.; Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари: Юрид. фан. номз. дис. ... автореф. – Т., 2006. – Б. 7.
² Кулдашев Н.А. Ички ишлар органлари деликт муносабатлар субъекти сифатида. Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) дисс. – Т., –2021. – Б 78.





ИИО фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли субъекти ҳисобланиши учун мустақил мол-мулкка эга бўлишлари ҳамда шу мол-мулклари билан мустақил жавобгар бўлишлари талаб этилади. Зеро, ҳар қандай юридик шахс фуқаролик муомаласида қатнашиши учун мустақил мол-мулкка эга бўлиши керак. В.Эргашев таъкидлаганидек, “мулккий алоҳидалик – юридик шахслар ҳуқуқ субъектлигининг зарурий элементи”³ ҳисобланади. Шундай экан, ИИО фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этар экан, унинг мустақил мулккий жавобгар бўлиш қобилияти ҳам мавжуд бўлиши керак.

Қонун чиқарувчи ФКнинг 39-моддасида “Ўз мулкида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка” эга бўлишни юридик шахс белгисининг таркибий элементи сифатида мустаҳкамлайди. Профессор Е.Богданов “Мустақил мулккий жавобгарлик – юридик шахснинг асосий ва аниқловчи белгисидир. Юридик шахснинг моҳияти, айнан унинг жавобгарлигида намоён бўлади”⁴, деб таъкидлайди. ИИОнинг мулккий ҳуқуқ режими таҳлилига кўра, улар фойдаланишдаги мол-мулкларга нисбатан ё оператив бошқариш ёки мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлади. Яъни, мулкдор томонидан унга бириктирилган мол-мулкка нисбатан оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлса, даромад келтирадиган фаолиятдан топган маблағлар ва шу маблағлар ҳисобидан олинган мол-мулкка нисбатан мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

ФКнинг 39-моддасида юридик шахс ўзига бириктирилган оператив бошқарувидаги мол-мулк билан ҳам жавобгар бўлиши белгиланган бўлса-да, ИИОнинг бундай мол-мулк билан жавобгар бўлиши имконсиздир. Чунки, ФКнинг 76-модда учинчи қисмида, муассаса ўз мажбуриятлари бўйича фақатгина ихтиёридаги **пул маблағлари билан** жавоб беради, дейилган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ИИОнинг фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлари бўйича ундирув унинг мол-мулкига нисбатан амалга оширилиши мумкин эмас ва бундай ундирув фақтгина уларнинг банк ҳисобидаги пул маблағларига қаратилиши мумкин. Зеро, ФКнинг “Юридик шахснинг жавобгарлиги” номли 48-модда иккинчи қисмида бу ҳақида аниқ белгиланган бўлиб, унга кўра муассаса ўз мажбуриятлари бўйича ФКнинг 76-модда учинчи қисмида назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида, яъни пул маблағлари билан жавоб бериши назарда

³ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, ю.ф.д., профессор Х.Р.Рахмонкулов, ю.ф.д., профессор О.О.Окюлов таҳрири остида. 1-жилд. (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: «Vektor-Press», 2010.– Б.412.
⁴ Богданов Е. В. Сущность и ответственность юридического лица // Государство и право. 1997. № 10. С. 98.





тутилган. Аммо, юридик адабиётларда бу масалада турли талқинлар мавжуд бўлиб, айримлар мазкур қоида муассасанинг оператив бошқарувидаги мол-мулкка таллуқли эканлигини, мустақил тасарруфидаги мол-мулклари эса даромад келтирадиган фаолиятдан топилганлигини айтишади.

Шу ўринда ИИОнинг ўз мажбуриятлари бўйича жавоб беришлари мумкин бўлган ихтиёридаги пул маблағларининг ҳуқуқий режимини кўриб чиқсак. ИИО давлат муассасаси бўлганлиги сабабли умумий қоидага кўра улар асосан давлат бюджетидан молиялаштирилади. Шундай экан пул маблағлари бюджетдан белгиланган смета асосида аниқ мақсадлар учун ажратилиши ва уларнинг ҳисоб рақамига ўтказилиши мумкин. Бу маблағлар мақсадли бюджет маблағлари ҳисобланади ва улардан фойдаланиш бўйича қатъий чекловлар мавжуд. ИИОнинг пул маблағлари бюджет маблағлари ҳисобланиши сабабли улардан фойдаланишдаги чекловлар анча қатъий. Айтиш мумкинки, ИИОнинг пул маблағларининг ҳуқуқий режими бошқа турдаги давлат муассасаларига нисбатан энг қатъий ҳисобланади. ИИОнинг мажбуриятлари бўйича ундирувни қаратиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган “Ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағларига ва бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятларига қаратиш тартиби тўғрисида”ги Низом⁵да белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ижро ҳужжатида маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан тўлаш тўғрисидаги талаб мавжуд бўлган ёхуд ижро ҳужжатида ИИО қарздор сифатида кўрсатилган ҳолларда амалга оширилади. Ушбу низомнинг 13-15-бандларига мувофиқ, ижро ҳужжатлари бўйича бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятлари бўйича ундирув давлат ижрочисининг қарори асосида, қарзни ва ижро этиш бўйича харажатларни тўлаш учун зарур бўлган миқдорда амалга оширилади. Давлат ижрочилари бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятлари бўйича ундирувни назарда тутадиган ижро ҳужжатларини (давлат ижрочисининг қарорини) тегишли ғазначилик бўлинмаларига

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 13 майдаги “Ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағларига ва бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятларига қаратиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 120-сон қарори // URL: <https://lex.uz/acts/2389296#2389788>





тақдим этадилар. Бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятлари бўйича ундирувни назарда тутувчи ижро ҳужжатларини ижро этиш:

биринчи навбатда бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари жамғармасы маблағлари ҳисобидан;

тўланиши лозим бўлган қарз бюджет ташкилотининг харажатлар сметаси бўйича харажатлар моддасига мувофиқ бўлганда — бюджетдан ажратилган маблағлар ҳажми доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 128-моддаси биринчи қисмида “Ундирувни Давлат бюджети маблағларига қаратишни назарда тутувчи ижро ҳужжатларини ижро этиш молия органлари томонидан тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади”, деб белгиланган. Яъни, мазкур нормадаги “Давлат бюджети маблағларига қаратишни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари” қайси давлат органига тегишли эканлиги аниқ кўрсатилмаган. Агар юқоридаги нормада келтирилган “ижро ҳужжатлари” сифатида қандай ҳужжатлар назарда тутилганлиги ва уларни қайси давлат органи қабул қилиши мумкинлигига аниқлик киритмоқчи бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни 5-моддасига мурожаат қилишимизга тўғри келади. Унга кўра, “Ушбу Қонунда белгиланган қоидаларга биноан қуйидагилар ижро этилиши лозим:

1) фуқаролик ишлари бўйича судларнинг, иқтисодий ва маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари; 2) жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг мулкый ундиришга оид қисми, шунингдек жарима тариқасидаги жазони назарда тутувчи ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари; 3) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларининг мулкый ундиришга оид қисми; 4) алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар; 5) нотариусларнинг ижро хатлари; 6) меҳнат низолари комиссияларининг қарорлари; 7) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар; 8) ҳакамлик судининг қарорлари; 9) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ёки халқаро шартномасида назарда тутилган ҳолларда чет эл судлари ва арбитражларининг қарорлари; 10) ўзбошимчалик билан турар жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари; 11) давлат





ижрочиларининг ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллардаги қарорлари; 12) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари”.

Юқорида таъкидланган қонуннинг 5-моддасида “Ижро ҳужжати” сифатида 12 та суд ва бошқа давлат органларининг ҳужжатлари келтирилган ва булар ҳам очик рўйхат ҳисобланади. Мазкур масалада ҳорижий давлатлардан Россия Федерацияси қонунчилигига эътибор қаратадиган бўлсак, Россия Федерацияси Бюджет кодексининг 239-моддаси 3-бандида, “Россия Федерацияси Бюджет тизими бюджетларининг маблағларига ундириш фақат суд ҳужжати асосида амалга оширилади” деган қатъий норма белгиланганлигини кўриш мумкин. Фикрмизча, давлат бюджет тизими маблағларига ундирув қаратиш фақат суд ҳужжати билан амалга оширилиши тўғри ҳисобланади. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 128-моддаси биринчи қисмини “Ундирувни Давлат бюджети маблағларига қаратишни назарда тутувчи суд ҳужжатларини ижро этиш молия органлари томонидан тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади”, деб ифодалаш мақсадга мувофиқ.

Миллий ва халқаро цивилистикада ИИОнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги субъектлиги ҳамда фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлиги масаласида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган.⁶ Бошқача айтадиган бўлсак, ИИОнинг фуқаролик ҳуқуқининг субъекти масаласи фуқаролик ҳуқуқида баҳсли бўлмаса-да, уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги масаласи анча баҳсли ҳисобланади. Хусусан, уларнинг мустақил тасарруфидаги мол-мулки ва шу мол-мулки билан мустақил мулкӣ жавобгар бўлиши масаласи ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан баҳслидир.

Ўзбекистон Республикасида юридик шахсларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги масаласи ФКнинг 39-моддасида келтирилган юридик шахснинг қонуний таърифида акс этган ва бу унинг асосий

⁶ Қаранг: Кулдашев Н.А. Ички ишлар органлари деликт муносабатлар субъекти сифатида: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2021. – 172 б.; Жукова И. А. Органы внутренних дел как участник договорных отношений // Вестник Московского университета МВД России. 2008. №6. – С. 94-97. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/organy-vnutrennih-del-kak-uchastnik-dogovornyh-otnosheniy> (дата обращения: 03.09.2024); Маркелов Д.С. О необходимости участия органов внутренних дел РФ в гражданских правоотношениях // Известия РГПУ им. А. И. Герцена. 2007. №29. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/o-neobhodimosti-uchastiya-organov-vnutrennih-del-rf-v-grazhdanskikh-pravootnosheniyah> (дата обращения: 07.10.2024); Панченко О. Гражданско-провавая ответственность полиции охраны национальной полиции Украины за нарушение договорных обязательств // Национальный юридический журнал: теория и практика. – 2017. – С. 98-102. URL: <chrome-extension://efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj/http://www.jurnaluljuridic.in.ua/archive/2017/5/22.pdf>



белгиларидан бири сифатида мустаҳкамланган. Эътибор қаратадиган бўлсак, ФКнинг 39-моддасида берилган ҳуқуқий таърифда юридик шахс сифатида эътироф этиладиган ҳар қандай ташкилот “ўз мажбуриятлари юзасидан” ўзига тегишли (яъни, ўз мулкида ёки оператив бошқарувида бўлган) мол-мулк билан жавобгар бўлиши кераклиги қайд этилган. Шундай экан, ИИО юридик шахс ва фуқаролик муомаласида тенг ҳуқуқли субъект сифатида иштирок этар экан бу қоида уларга ҳам тааллуқлидир.

Фуқаролик ҳуқуқида ИИОнинг фуқаровий-ҳуқуқий мақоми “Муассаса” ҳисобланади ва мулкдор томонидан уларга бириктирилган мол-мулк оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бошқарилади. Бироқ, қонунчиликда таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассасага даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган бўлса, бундай фаолиятдан олинган даромад ва бу даромад ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк унинг мустақил тасарруфига ўтиши ва алоҳида балансда ҳисобга олиниши назарда тутилган. Шу билан бирга, қонунчиликда бундай даромад ва мол-мулкларнинг мулкӣ режими масаласи ҳам аниқ баён қилинмаган. ФКнинг 180-модда иккинчи қисмидаги “муассасанинг мустақил тасарруфига ўтади ва алоҳида балансда ҳисобга олинади” деган норма мазмунида шу мол-мулк билан муассаса ўз мажбуриятлари бўйича мустақил мулкӣ жавобгар бўлиши ҳам мумкинлиги тушунилади. Бироқ, мазкур норма ушбу тоифадаги мол-мулк билан муассасанинг ўз мажбуриятлари бўйича фуқаровий-ҳуқуқӣ жавобгарлигини очиқ шаклда баён этмаганлиги цивилистика фанида турли баҳсларни вужудга келтирмоқда.

Хусусан, профессор Н.Кулдашев “Давлат органи ўз уставида назарда тутилган тартибда ҳўжалик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир. Давлат органи ўзининг шартномавий мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги ҳўжалик фаолияти орқали топилган пул маблағлари билан жавоб беради”⁷ деб айтса, А.П.Горелик эса “Давлат муассасалари тўғрисидаги Қонун лойиҳасига муассасанинг мажбуриятлари бўйича ундирув (мажбурий ундириш) қўлланилишини истисно қилувчи, яъни даромад келтирадиган фаолиятдан топган маблағлари ва улар ҳисобидан олган мол-мулкларига нисбатан ундирув қўлланилмаслигини назарда тутадиган қоидаларни киритиш”⁸ зарурлигини таклиф қилади. Фикримизча, бу масалада Н.Кулдашевнинг таъкиди ўринлидир. Чунки, ИИО фуқаролик ҳуқуқининг

⁷ Кулдашев Н.А. Ички ишлар органлари деликт муносабатлар субъекти сифатида. Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) дисс. –Т., – 2021. – Б. 256

⁸ Горелик А.П. Гражданско-правовой режим имущества учреждений МВД России автореф. дис.... канд. юрид. наук. М., 2004. –С.4.





тўлақонли субъекти ҳисобланар экан, ўз мажбуриятлари бўйича мустақил жавобгар бўлишлари керак. Зеро, оператив бошқарувидаги маблағлари ва мол-мулкларига нисбатан ундирув қаратиб бўлмаслиги, уларнинг кредиторлари ҳуқуқларининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, ИИО ўзларининг мустақил мол-мулкига ва молиявий маблағларига эга бўлмаса шартномавий мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг қарзлари ундируви кечикиши ёки умуман қопланмай қолиб кетиши мумкин. С.Конюхов таъкидлаганидек, “ИИВ муассасасининг даромад келтирадиган хўжалик фаолияти уларнинг мулкӣ муомалада иштирок этиш имкониятини таъминлайдиган, кредиторлари манфаатларини ҳимоя қиладиган муҳим ҳуқуқӣ кафолат”⁹ ҳисобланади. Шу сабаб даромад келтирадиган фаолиятдан топган маблағлари ва улар ҳисобидан олган мол-мулкларига нисбатан муассасаларнинг, шу жумладан ИИОнинг мажбуриятлари бўйича ундирув белгилаш улар кредиторларининг мулкӣ ҳуқуқлари бузилмаслигига гаров бўлиб хизмат қилади ва фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ИИО билан турли шартномавий муносабатларига киришишига ишончини орттиради.

Бундан ташқари фуқаролик қонунчилигида ИИОнинг даромад келтирадиган фаолиятдан олган даромади ва бу даромад ҳисобидан сотиб олган мол-мулкига ундирув қаратиб бўлмаслиги қатъий белгиланмаган. Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 июлдаги “Давлат муассасалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 302-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат муассасалари тўғрисида”ги низомнинг “Давлат муассасасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги” номли 3-боб 17-бандини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади: “Давлат муассасаси ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги маблағлар билан жавоб беради. **Давлат муассасаси таъсис ҳужжатларига мувофиқ даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлса, бундай фаолиятдан олган даромад ва бу даромад ҳисобидан сотиб олган мол-мулк билан жавобгар бўлади.** Бу маблағ ва мол-мулклар етарли бўлмаса, агар Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, муассис давлат муассасасининг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади”.

⁹ Конюхов, Станислав Сергеевич. Гражданско-правовые аспекты финансово-хозяйственной деятельности учреждений МВД России. Автореф. дис.... канд. юрид. наук. Санкт-Петербург. 2006. – С.21.





Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, ИИОнинг фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлари бўйича уларга рухсат этилган даромад келтирувчи фаолиятдан топган маблағлари ва мол-мулки билан жавобгар бўлишини қонунчиликда аниқ қилиб белгилаш ИИО билан фуқаролик муомаласига киришаётган иштирокчиларнинг мулкӣ ҳуқуқларини кафолатлайди. Зеро, бозор иқтисодиёти қонунияти ҳар қандай субъектни эркин фуқаролик муомаласига киришишларини ва бу муносабатлардан келиб чиққан мажбуриятлар учун ҳам мустақил фуқаровий-ҳуқуқий жавобгар бўлишларини назарда тутди.

